

«Китоб – камолот калити» илмий-маърифий китоблар кўргазмасига марҳабо!



11:01 / 05.04.2022 2432

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ташаббуси билан 7-8 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги «Ҳазрати Имом» мажмуаси майдонида, илк бор «Китоб – камолот калити» илмий-маърифий китоблар кўргазмаси ва савдоси ўтказилади.

Икки кун давом этадиган кўргазма ва савдода юртимиздаги нашриётлар, босмаҳоналар ва китоб дўконлари илмий, маърифий ҳамда бадиий китоблари билан иштирок этишлари мумкин.

Рамазон муносабати билан «Ҳазрати Имом» мажмуасида ўтказилаётган ушбу маърифий тадбир доирасида китоблар тақдироти, таниқли шахслар иштирокида ёшларни илм-маърифатга тарғиб этадиган суҳбатлар, китобхонлар ўртасида совринли танловлар ўтказилади. Шунингдек, таълим муассасалари ўртасида маънавий-маърифий ва бадиий беллашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Келинг, кўринг ва тадбирнинг фаол иштирокчисига айланинг!